*Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.*

O'zLiDeP — TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2013 йил 9 май, пайшанба, 18 (494)-сон

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган.
e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com.
web sayt: www.21asr.uz

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

# 9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ



## УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

**Сурхондарё вилояти Термиз банк коллежида 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган уч авлод учрашуви бўлиб ўтди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Термиз шаҳар бўлими вакиллари, таълим маскани педагог ва ўқувчилари иштирок этган мазкур тадбирда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Ҳакимжон ота Ғаффоров урушнинг оғир оқибатлари ҳақида ҳикоя қилар экан, ёшларни мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлашга, танлаган соҳасининг етук мутахассиси сифатида Ватан равнақига муносиб ҳисса қўшишга даъват этди.**

**— Бугун мазкур таълим масканида ёшларнинг пухта билим олиши учун яратилган шарт-шароитлар билан танишиб, ёшларимизнинг ёруғ келажагига яна бир бор амин бўлдим, билимга чанқоқ, одобли, зеҳнли ўқувчилар билан бўлган суҳбатдан бениҳоя қувондим, — дейди Ҳакимжон ота Ғаффоров.**

(ЎзА)

## Хотира боқий, қадр муқаддас

**ХАЛҚИМИЗ АРДОҚЛАЙДИГАН ҚУТЛУҒ ВА УНУТИЛМАС САНАЛАР ОРАСИДА ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ИЛК ЙИЛЛАРИДАНОҚ АЖДОДЛАРГА ХОС БЎЛГАН ТАРИХИЙ АДОЛАТНИ ТИКЛАШ, УЛАР ЖАСОРАТИНИ УЛУҒЛАШ ВА ОТА-БОБОЛАРИМИЗ НОМЛАРИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН МУҲИМ БИР САНА СИФАТИДА БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗ ҚАЛБИДАН ЧУҚУР ЖОЙ ОЛДИ**

Зеро, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йиллари буюк авлод-аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, ўтганлар руҳини шод этиш, кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш эзгу анъанага айландики, бу ўз навбатида, янги авлод тафаккурида ҳам тарихга ҳурмат билан қараш туйғусини шакллантирмоқда. Мана, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг орадан 68 йил ўтди. Аммо унинг оғир асоратлари, азобли хотиралари қалблардан ҳамон ўчгани йўқ. Бинобарин, ҳозирги тинч, дориломон кунларнинг қадрига етиш, ўтганларни ёд этиш, жанггоҳларда жон олиб, жон берган кекса авлод вакилларининг иззат-ҳурматини жойига қўйиш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

Уруш ўз номи билан уруш. Агар ўша оловли курашларда 1,5 млн. нафар юртдошимиз иштирок этганлигини, улардан тахминан 500 минг нафари қурбон бўлганлигини, қанчадан-қанча болалар етим-есир қолганлигини инобатга олсак, бу даҳшатли фожиа биронр-бир хонадонни четлаб ўтмаганига яна бир карра ишонч ҳосил қиламиз.

Дарҳақиқат, она-юртга қайтиш кўплаб мард, жасур фарзандларга насиб этмади. Шунинг учун ҳам халқимиз ўтганларнинг муқаддас руҳи олдида ҳамиша бош эгади, таъзим қилади. Йиллар, даврлар ўтгани сайин бундай муносабат ўзига хос миллий анъанага айланиб бормоқда. Мустақиллик шарофати билан инсон шаъни, қадр-қиммати янада улуғланаяпти. Хусусан, бугун орамизда яшаётган 5 мингдан зиёд уруш фахрийларига давлатимиз томонидан юксак эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

2 ►►



Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат

*Навоий тиббиёт коллежининг педагог ва ўқувчилардан иборат жамоаси маҳаллалар фаоллари билан ҳамкорликда ҳудуддаги кексаларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан мунтазам хабар олмоқда.*

*Байрам арафасида коллежнинг бир гуруҳ ўқувчилари педагог Санобар Раҳмонова раҳбарлигида шаҳарнинг «Жанубий» маҳалласида истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари Исмоил Ёқубов ва Нина Павлованинг хонадонларида бўлишди. Уларга совға-саломлар топшириб, уй юмушларида кўмаклашишди. Кўрсатилган эътибордан пири бадавлат мезбонларнинг боши кўкка етди.*

ПАРЛАМЕНТДА

## ҚУЁШ ВА ШАМОЛ БИЛАН «ҲАМКОРЛИК» КУЧАЙТИРИЛИШИ КЕРАК

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзолари «Муқобил энергия манбалари тўғрисида»ги қонунни имкон қадар тезроқ қабул қилиш зарурлигини таъкидламоқдалар. Тошкент Давлат техника университетида ўтказилган давра суҳбатида шу ҳақда сўз юритилди**

Муқобил энергия манбалари мавзуси кейинги йилларда дунё иқтисодиётидаги устувор йўналишлардан бирига айланиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Мамлакатимиз ҳам қуёш, шамол ва биогаз энергиясидан фойдаланиш борасида табиий қулай шарт-шароитларга эга. Бундай имкониятнинг мавжудлиги муқобил энергия манбаларидан оқилона фойдаланиш кўламини кенгайтириш орқали иқтисодиёт тармоқларини янада ривожлантириш баробарида аҳолини узлуксиз энергия билан таъминлаш, атроф-муҳитга етказилаётган зарар миқдорини камайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

3 ►►

ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛЬ

## Сармишсой садосига дунё аҳли қулоқ тутди

4-5 МАЙ КУНЛАРИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ «ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМҒАРМАСИ ВА ЮНЕСКОНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ ТОМОНИДАН ОЛТИНЧИ МАРОТАБА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «АСРЛАР САДОСИ» АНЪАНАВИЙ МАДАНИЯТ ФЕСТИВАЛИГА МЕЗБОНЛИК ҚИЛДИ

Asrlar sadosi



Мазкур тадбир табиат қўйнидаги қадимий «санъат галереяси», яъни очиқ осмон остидаги музей мақомини олган Сармишсой дарасида ўтказилгани унинг тарихий аҳамияти, салоҳияти ва нуфузи кун сайин ошиб бораётганидан далолатдир.

Маълумотларга кўра, Сармишсой қоятош суратлари тарихи академик Яҳё Ғуломов бошчилигидаги олимлар томонидан ўтган асрнинг 50-йилларида ўрганила бошланган бўлиб, дара яқинидаги Учтут қадимий шахтасини кашф этган илмий экспедиция унинг ёши 5 минг йилга тенг экани, аждодларимиз ўша даврда ҳам замин қаъридан темир қазиб олиш билан шуғулланишгани, уни эритиб, турли буюмлар ясашганини илмий асослар билан тўла исботлаб берган.

Бу борадаги илмий изланишлар юртимиз мустақилликка эришгач, Президентимиз Ислом Каримов саъй-ҳаракати ва қўллаб-қувватлаши туфайли жонлантирилди. Зеро, давлатимиз раҳбари 1999 йилнинг ноябрида Навоий вилоятига ташрифи чоғида шу ерлик аҳолига юзланиб: «Сиз ҳар куни кўриб, кезиб юрган маскан — Кармана тарихини биласизми? Унга ёндош Учтут шахтаси, Сармишсой қоятош суратларини-чи?» дея куюнчаклик билан савол бергани бежиз эмас, албатта.

8 ►►

БУГУНГИ СОНДА:

ФАРҒОНАДА 52 МЛН. ДОЛЛАРГА ИМЗО ЧЕКИЛДИ
3 - САҲИФАДА

ИШОНЧНИ ОҚЛАШ МАСЪУЛИЯТИ
4 - САҲИФАДА

МУЛКДОР АЁЛЛАР ШИЖОАТИ
5 - САҲИФАДА

O'ZLIDEP ФРАКЦИЯСИДА



Солиҳ ЗОИР олган сурат

## Янги қонун қуйи палата фаолиятини янада такомиллаштиради

O'ZLIDEP ФРАКЦИЯСИДА «КИРИТИЛАЁТГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ ВА БОШҚА НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ ГУРУҲ ТЎҒРИСИДА»ГИ НИЗОМ ЛОЙИҲАСИ АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Маълумки, бир гуруҳ депутатлар ташаббуси билан қабул қилинган ва 2013 йилнинг 19 апрелидан кучга кирган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунда қуйи палата кенгаши ҳузурида келиб тушган лойиҳаларни рўйхатдан ўтказишни (ҳисобга олишни) амалга ошириши ва кўриб чиқишнинг барча босқичларида уларни кузатиб бориши лозим бўлган Мувофиқлаштирувчи гуруҳ тузилиши белгилаб қўйилган.

2 ►►

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 7 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | | |
|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | ▼ | 2127,63 |
| 1 Англия фунт стерлинги | ▲ | 3224,46 |
| 1 Дания кронаси | ▲ | 364,40 |
| 1 БАА дирҳами | ▲ | 563,43 |
| 1 АҚШ доллари | ▲ | 2069,48 |
| 1 Миср фунти | ▼ | 298,14 |
| 1 Исландия кронаси | ▲ | 17,88 |
| 1 Канада доллари | ▲ | 2054,48 |
| 1 Хитой юани | ▲ | 336,10 |
| 1 Малайзия ринггити | ▲ | 698,09 |
| 1 Польша злотийси | ▲ | 656,35 |
| 1 СДР | ▲ | 3126,86 |
| 1 Туркия лираси | ▲ | 1154.91 |
| 1 Швейцария франки | ▲ | 2213,11 |
| 1 ЕВРО | ▲ | 2713,45 |
| 10 Жанубий Корея вони | ▲ | 18.92 |
| 10 Япония иенаси | ▼ | 208,91 |
| 1 Россия рубли | ▲ | 66,66 |
| 1 Украина гривнаси | ▲ | 258,91 |

# ПАРЛАМЕНТДА

## Янги қонун қуйи палата фаолиятини янада такомиллаштиради



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Озод РАЖАБОВ,**
«XXI asr»

Фракция йиғилиши кун тартибига киритилган юқоридаги Низом лойиҳаси янги қонуннинг ана шу талаби асосида тайёрланган.

— Мазкур қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг фракциямиз учун муҳим жиҳати шундаки, улар сиёсий партияларнинг қуйи палатада қонун лойиҳалари муҳокамаларининг барча босқичлари бўйича қабул қилинадиган қарорларга таъсирини оширади, — дейди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Маъруф Усмонов. — Шу маънода, қонун лойиҳалари масъул қўмита билан бир вақтда фракциялар (депутатлик гуруҳлари)га юборилиши, яъни уларни масъул қўмита билан бир пайтда кўриб чиқилишини белгилайдиган нормалар қонунда ўз аксини топгани муҳим аҳамиятга эгадир. Буни эса Мувофиқлаштирувчи гуруҳ амалга оширади. Бугунги йиғилишда муҳокама этилаётган Низом лойиҳаси мазкур гуруҳнинг асосий вазифалари, функциялари ва ҳуқуқларини янада аниқлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қизғин муҳокамалар давомида фракция аъзолари қонун ижодкорлиги жараёнининг барча босқичларида фракциялар (депутатлик гуруҳлари)нинг қонун лойиҳаси устида ишлаш ҳуқуқлари янада кенгайганини таъкидладилар. Бу эса, уларнинг фикрича, қонун лойиҳаси муҳокамасининг илк босқичларидаёқ партиянинг дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ўз позициясини баён этиш, қонун лойиҳасининг у ёки бу моддаси бўйича билдирилган фикрларни қатъий ҳимоя қилишга имкон беради.

Шунинг учун ҳам фракция аъзолари қуйи палата кенгаши ҳузурида Мувофиқлаштириш гуруҳи тузиш масаласига жиддий эътибор қаратаяпти. Депутатлар фракция ҳузуридаги Экспертлар кенгашлари томонидан қонун лойиҳалари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳокамаси давомида билдирилган таклифларни ҳисобга олиш масаласида Мувофиқлаштириш гуруҳи билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳим, деб ҳисобламоқдалар.

Мажлисда Қонунчилик палатаси Регламентига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар O`zLiDeP фракциясининг қонунлар қабул қилинишидаги ролини оширибгина қолмай, уларда сайловчилар манфаатлари ҳисобга олиниши борасидаги масъулиятини ҳам кучайтириши қайд этилди. Шу боисдан O`zLiDeP фракциясининг 2012 ва жорий йилнинг биринчи чорагидаги фаолияти танқидий таҳлил этилди. Чунки киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар парламентнинг қонунчилик фаолиятида партияларааро рақобатни янги поғонага кўтаради. Демак, қабул қилинаётган қонунларда ўз электоратининг манфаатлари ва фикрларини ҳисобга олиш имкониятлари кескин ошган бир шароитда O`zLiDeP ўз сайловчиларининг ишончини оқлаши зарур.

Шу сабабли мажлис қатнашчилари янги қонун талабларини фракция фаолиятига татбиқ этиш режасини батафсил муҳокама қилдилар. Ушбу ҳужжат фракция ишини оптималлаштириш, Экспертлар кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш, фракция аъзолари учун қатор семинар-тренинглар ўтказиш, ОАВда чиқишлар уюштиришга қаратилган бир қанча комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутади. Бу эса партиянинг Сайловолди платформасининг амалда бажарилишига фуқаролик жамияти институтлари, ҳар бир партия аъзосининг кенг жалб этилишини таъминлаш жараёнини давом эттиришга пухта замин ҳозирлаши эътироф этилди.

Хўш, янги қонун талабларидан келиб чиқиб шакллантирилаётган Мувофиқлаштирувчи гуруҳнинг асосий вазифалари, функциялари ва ҳуқуқлари нималардан иборат? Ушбу гуруҳ тўғрисидаги Низом лойиҳаси қабул қилингандан кейин парламент қуйи палатаси, шу жумладан, сиёсий партиялар фракциялари фаолиятида қандай ўзгаришлар юз беради?



**Тўлқин ТУРСУНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:**

— Энг аввало шуни таъкидлаш жоизки, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун талаби асосида тузилаётган Мувофиқлаштирувчи гуруҳ келиб тушган лойиҳаларни кўриб чиқишнинг барча босқичларида уларни кузатиб боради. Иккинчидан, келиб тушган қонун лойиҳалари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Регламентга асосан рўйхатдан ўтказади ва у ҳақда батафсил ахборот тайёрлаб, Қонунчилик палатаси кенгаши аъзоларига етказади.

Учинчидан, қонунлар лойиҳалари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва қабул қилишнинг барча босқичларида уларнинг ҳаракатланишини тизимли равишда мониторинг қилиб боради ҳамда бу ишлар амалиётига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этади.



**Абдуқодир ТОШҚУЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси:**

— Мувофиқлаштирувчи гуруҳ ўзига юклатилган асосий вазифаларни тўлақонли амалга ошириши учун унга бир қатор ҳуқуқлар ҳам берилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, мазкур гуруҳ аъзолари Қонунчилик палатаси кенгаши, қўмиталари ва комиссияларининг, сиёсий партиялар фракцияларининг, депутатлик гуруҳининг йиғилишларида қонун лойиҳалари муҳокама қилиш жараёнида бевосита иштирок этади.

Гуруҳ, шунингдек, ахборот-таҳлилий материалларни умумлаштириш мақсадида қўмиталар ва комиссиялардан қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича алоҳида депутатлар ҳамда сиёсий партиялар фракциялари томонидан билдирилган фикрлар ҳақида тўлиқ ахборот сўраб олиши ҳам мумкин.

Бундан ташқари Мувофиқлаштирувчи гуруҳга қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва кўриб чиқиш тартибини янада такомиллаштириш юзасидан Қонунчилик палатаси кенгашига таклиф ва тавсиялар киритиш ҳуқуқи ҳам берилаяпти.






## Хотира боқий, қадр муқаддас

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Носир ТОШЕВ,**
«XXI asr»

Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2013 йил 25 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармон фикримизнинг ёрқин ифодасидир.

Зотан миллат шаъни, Ватан озодлиги йўлида курашган инсонлар ҳар қанча таҳсину эъзозга муносиб. Шу кунларда юқоридаги фармон асосида жойларда турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилиб, уларга нуронийлар, ёшлар, жамоатчилик вакиллари кенг жалб этилмоқда. Чунки бунинг тарбиявий аҳамияти ҳам бекиёсдир. Учрашувлар давомида уруш қатнашчилари ўзлари босиб ўтган ҳаёт йўллари ҳақида сўзлаб, ёшларни огоҳликка, ота-боболаримиз анъаналарига содиқ бўлишга, бебаҳо неъмат саналган тинчликни, мустақилликни кўз қорачиғидек асрашга даъват этмоқдалар.

— Биз, фахрийлар тинчлик ва осойишталикнинг қадрини кўпроқ ва чуқурроқ англаймиз, — дейди иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси, жиззахлик Отабой Омонов. — Чунки фронтларда жон олиб, жон беришимизга тўғри келган. Мана, ўша машаққатли йиллар ортда қолди. Бугун эл-юрт, невара-чеваралар ардоғида фаровон ҳаёт кечираяпмиз. Айниқса, Юртбошимиз томонидан уруш ва меҳнат фахрийларига кўрсатилаётган юксак эътибордан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Шу кунларга етказганига шукр.

Юқоридагидек дил сўзлари бугун барча ҳудудларимиздаги фахрийлар, кекса онахон ва отахонларимиз тилидан баралла янграётгани бежиз эмас. Нега деганда, уларга юксак ғамхўрлик кўрсатилиб, ҳар қандай масалада улар хоҳиш-истаклари инобатга олинаяпти. Айниқса, Хотира ва қадрлаш кунида маҳаллий ҳокимликлар, «Нуроний» жамғармаси, сиёсий партиялар вакиллари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари аъзолари фахрийлар хонадонига ташриф буюриб, уларга ўз вақтида моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишмоқда. Бу ҳам бўлса, ўзбекона бағрикенглик нишонасидир. Кўпни кўрган, ҳурматли фахрийларимизнинг дуолари ижобат бўлиб, мамлакатимизда улкан яратувчанлик ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Зеро, ўз келажагига ишонган, миллий қадриятларини қадрлаган кексалар, нуроний отахон ва мўътабар онахонларини эъзозлаган халқ ҳеч қачон кам бўлмаган.

### СУРАТЛАРГА КЎЧГАН ХОТИРА

Тошкент Фотосуратлар уйида 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган бадиий кўргазма очилди.

Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан ташкил этилган тадбирга ёши улуғ ижодкорлар, мусаввирлар, уста ва ҳунармандлар, меҳнат фахрийлари, талаба-ёшлар таклиф этилди.

Ўзбекистон Бадиий академияси раиси ўринбосари Ж.Миртожиев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида нуронийларга иззат-эҳтиром кўрсатиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

— Иккинчи жаҳон уруши бошланганида саккиз ёшли бола эдим, — дейди ёғоч ўймакорлиги устаси, Ўзбекистон халқ рассоми, академик Ортиқ Файзуллаев. — Ўша мураккаб даврнинг оғир кунлари, машаққати асло хотирамдан ўчмайди. Буларнинг барчаси бугунги тинч ва осойишта, тўкин, фаровон, бахтли кунларимизнинг қадрига етишга ундайди.

Кўргазмада бугунги саодатли кунларимиз, уруш ва меҳнат фахрийси бўлган мўйқалам соҳиблари, уста-ҳунармандлар сиймоси акс эттирилган картиналар, фотосуратлар номойиш этилмоқда.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

### ФАХРИЙЛАРНИНГ БАЙРАМ УЧРАШУВИ

**Нуронийлар қадрланган ва эъзозланган юртда қут-барака, фаровонлик бўлади. Айниқса, Хотира ва қадрлаш куни арафасида кекса ёшдаги отахону онахонларга, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига моддий ҳамда маънавий кўмаклашиш уларга куч-қувват, ишонч бағишлайди.**

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Давлат музейида фахрийлар шарафига уюштирилган тадбирда шулар ҳақида сўз юритилди. Унда Тошкент шаҳри ва вилоятидан Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари, ҳарбий хизматчилар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.**

**Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири генерал-лейтенант Қ.Бердиев, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси, халқ шоири Иқбол Мирзаалиев ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ҳамюртларимизни хотирлаш, жангларда қатнашганларни, фронт ортида меҳнат қилган ва бугунги кунда умргузаронлик қилаётган ҳамюртларимизни эъзозлаш ҳаётимизда муҳим ўрин тутишини таъкидлади.**

**Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони бунинг яна бир тасдиғидир.**

**– Биз, фахрийлар кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрликдан миннатдормиз, – дейди пойтахтимизнинг Олмазор туманилик уруш фахрийси Аминжон Олимов. – Бугун дўстлар билан яна учрашдик, ёшликдаги оғир йилларни эсга олдик.**

**Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Давлат музейи экспозициялари билан танишдилар. Улар учун байрам дастурхони ёзилиб, Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли, таниқли маданият ва санъат намояндалари иштирокида концерт намойиш этилди. Фахрийларга кўрсатган қаҳрамонликлари, мамлакатимизда ёш авлодни тарбиялашга қўшаётган улкан ҳиссалари учун миннатдорлик билдирилди, эсдалик совғалари топширилди.**

Сардор ТОЖИЕВ, ЎзА мухбири.

# ИСЛОҲОТ

# Қуёш ва шамол билан «ҳамкорлик» кучайтирилиши керак

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Озод РАЖАБОВ,**
«XXI asr»



Тараққий этган давлатларда углеводород хом ашёсининг жаҳон миқёсидаги захиралари камайиб бораётган шароитда иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва рақобатбардошлигини оширишнинг энг муҳим омили сифатида муқобил энергия манбаларидан амалда фойдаланиш бўйича ишланмалар жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Айниқса, иссиқ сув ва иссиқлик таъминоти учун паст потенциалли қурилмаларни яратиш, электр қуввати олиш учун фотоэлектрик ва термодинамик ўзгарткичлар, махсус материаллар синтези технологияларида, материаллар ва конструкцияларга термик ишлов беришда қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари самарали йўлга қўйилган.

— Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда муқобил энергия манбаларидан, энг аввало, қуёш энергиясидан фойдаланиш юзасидан илмий-экспериментал тадқиқотлар олиб бориш бўйича салмоқли тажриба тўпланган, — деди Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Собир Жабборов. — Мисол учун, Марказий Осиёда ўхшаши бўлмаган «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида яратилган ноёб ишланмалар жаҳон миқёсида ҳам эътироф этилмоқда. Президентимизнинг 2013 йил 1 мартдаги «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони эса бу борадаги самарадорликни оширишда янги имкониятлар очиб беради.

Фармонда муқобил энергетика соҳасини янада тараққий эттириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси негизида Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия муассасалари иштирокида Тошкент шаҳрида Халқаро қуёш энергияси институтини ташкил қилиш, ушбу йўналишда кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш, соҳага оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, яъни муқобил энергия манбалари ишлаб чиқарувчилар ҳамда фойдаланувчиларига солиқ ва божхона имтиёзлари бериш юзасидан қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш, хусусан, «Муқобил энергия манбалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, қуёш энергиясидан саноат кўламида фойдаланиш соҳасида юқори технологик ишланмаларни амалга ошириш, илғор технологиялар асосида иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва ижтимоий соҳада қуёш энергияси потенциалидан амалий фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлаш, шу жумладан, махсус материалларни синтез қилиш ва уларга термик ишлов бериш технологияларини қўллаш билан боғлиқ амалий тадқиқотларни ўтказиш, қуёш энергетикаси соҳасидаги йирик лойиҳалар бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш борасидаги жараёнларни мувофиқлаштириш Халқаро қуёш энергияси институти фаолиятининг асосий вазифалари сифатида белгилаб қўйилди.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз иқтисодиёти тобора юксалаётган бугунги кунда бу борадаги ишларни янада кучайтириш, ёқилғи-энергетика тизимига муқобил энергия манбаларини жалб этиш, биринчи навбатда, ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу эса, аввало, иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш, анъанавий энергия манбаларини тежашга хизмат қилса, иккинчидан, аҳоли турмуш сифатининг ошиши ва, албатта, янги иш ўринлари очилишига кенг имкон яратади.

Давра суҳбатида муқобил энергетика соҳасида маълум бир ютуқларга эришган хорижий давлатлар, хусусан, АҚШ, Дания, Испания, Германия ва Хитой тажрибасини таҳлилий-танқидий нуқтаи назардан ўрганиш ниҳоятда муҳимлигига урғу берилди. Бунинг учун эса юқорида таъкидланганидек, соҳанинг ҳуқуқий асосларини яхлит қонун даражасида мустаҳкамлаб қўйиш керак.

Тадбирда сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари вакиллари муҳокама қилинаётган мавзу ва тайёрланаётган қонун лойиҳаси юзасидан ўз нуқтаи назарини баён қилдилар. Жумладан, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Клара Жумамуратова Ўзбекистон Либерал-демократик партияси дастури ва Сайловолди платформасидан келиб чиққан ҳолда, «Муқобил энергия манбалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси концепцияси иқтисодиётни либераллаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ғоя ва мақсадларга тўла мос эканини қайд этди.

Соҳада рақобат муҳитини ривожлантириш, энергиянинг муқобил ва тикланадиган манбалари, ресурсларни тежайдиган технологияларни қўллаш ҳисобига коммунал хизматлар таннархини пасайтириш ва тарифларнинг барқарорлашувини таъминлаш, жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳаллий ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш ва улар экспортини амалга ошириш ҳам муҳим масалалар сирасига киради.

Очиқ мулоқот ва амалий фикр алмашиш руҳида ўтган давра суҳбатида «Электрэнергетиканинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари», «Муқобил энергия манбалари тўғрисидаги қонунчилик: халқаро тажриба» сингари мавзуларда маърузалар тингланиб, «Муқобил энергия манбалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси концепцияси ҳақида Иқтисодиёт вазирлиги Ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш бўлими бошлиғи Хуршид Раҳматуллаевнинг ахбороти ҳам эшитилди.

Йиғилиш якунида билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифларни инобатга олган ҳолда қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнини тезлаштиришга йўналтирилган аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди.

## 9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

### ҚАЛБЛАРДА МАНГУ БАРҲАЁТ

**Тинчлик бу нақадар тотли сўз. Унинг қадр-қимматини ҳар биримиз яхши тушунамиз, албатта. Айниқса, мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Президентимиз раҳнамолигида истиқлол манфаатларини ҳимоя қилиш, юртимизда осойишталик ва барқарорликни таъминлашга давлат даражасида эътибор қаратилаётганлиги таҳсинга лойиқдир. Аммо кураш қурбонсиз бўлмаганидек, бугунги тинч замонларга эришиш учун қанчадан-қанча машаққатли йўлларни босиб ўтишга тўғри келганлиги ҳам сир эмас.**

**9 май — Хотира ва қадрлаш куни. Ўз хизмат вазифасини мардларча адо этган марҳумларнинг номларини дилга муҳрлаймизу ўйга толамиз. Айни отаси-ва онаси, оиласи ва фарзандларига суянчиқ бўладиган кўплаб навқирон йигитларимиз террорчи унсурлар, хавфли жиноятчилар билан курашда азиз жонларини қурбон қилишди. Уларнинг ёрқин хотираси халқимиз қалбида мангу барҳаётдир.**

**Мана, бир мисол. ИИВ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини қўриқлаш бўйича алоҳида милиция батальони ходими Ихтиёр Ҳакимов ота-онасининг суюкли фарзанди, маслаҳатгўйи, суянган тоғи эди. Бағрикенг, ўтюрак йигит ёшлигидан милиция ходими бўлишга аҳд қилди. Шу боис ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, Ички ишлар органларида фаолият кўрсата бошлади.**

**Хусусан, АҚШ элчихонасини қўриқлаш бўйича хизмат постига тайинлангач, хавфсизликни таъминлаш ва жамоа тартибини сақлаш йўлида куч-ғайратини аямади. Шаҳримизда жойлашган Исроил давлати элчихонаси олдида қўпорувчилик ҳаракатлари содир этилганлиги ҳақида хабар берилади. Ихтиёрда элчихона томон келаётган номаълум шахс гумон уйғотади. Дарров хушёр тортиб, уни тўхтатишга ҳаракат қилади. Бироқ белига портловчи модда боғлаб олган номаълум шахс кутилмаганда ўзини портлатиб юборади. Оқибатда И.Ҳакимов ва унинг ёнида бўлган ҳамкасби, катта сержант И.Норметов хизмат вазифаларини ўташ чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўладилар.**

**Бу жудолик уларнинг оиласи учун жуда оғир эди, албатта. Аммо қисқа умрлари беҳуда кетмади. Зеро, хизмат бурчига масъулият билан ёндашиш, эл-юрт осойишталигини таъминлаш йўлида матонат кўрсатиш ҳам чин ватанпарварликдан бир нишонадир.**

**Марҳум милиция ходимлари И.Ҳакимов ва катта сержант И.Норметов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 24 августдаги фармонига асосан «Жасорат» медали билан тақдирланишди.**

ИИВ Матбуот хизмати.

### ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ



**«Туркистон» саройида Навоий кон-металлургия комбинати «Фарҳод» маданият саройи ижодий жамоасининг хайрия концерти бўлиб ўтди. Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашда муҳим ўрин тутадиган миллий санъатимизни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ёшларни бадиий ижодиётга оммавий жалб қилиш, уларнинг маданий дам олишини ташкил этишга кўмаклашаётган маданият муассасалари бу борадаги ишларга салмоқли ҳисса қўшмоқда.**

**«Фарҳод» маданият саройи Навоий кон-металлургия комбинати тасарруфидаги бой тарихга эга маданият муассасаларидан биридир. Унинг 75 ижодий жамоасида турли ёшдаги 1500 нафардан ортиқ киши шуғулланмоқда.**

**Маданият саройининг «Ширин», «Марварид», «Бахтли болалик», «Соната» каби хореография ансамбллари томошабинларга яхши таниш бўлиб, улар умумхалқ байрамлари ва бошқа йирик маданий тадбирлар муносабати билан ўтказиладиган театрлаштирилган томошаларда доимо иштирок этади.**

**— Пойтахтимиздаги шундай ажойиб сарой саҳнасида ўз санъатимизни намойиш этаётганимиздан фахрланамиз, — дейди «Тарона» ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрининг дуторчиси Феруза Норқулова. — Болалигимдан «Фарҳод» саройига қатнайман, у мен учун иккинчи уйим бўлиб қолган. Бу ерда дутор чалишни ўргандим ва ҳар доим тингловчиларга миллий мусиқа ҳамда маданиятимизга бўлган чексиз муҳаббатимни етказишга ҳаракат қиламан.**

**Концертга пойтахтимиздаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ихтисослаштирилган маданият ва санъат ўқув муассасаларининг ўқувчи ва талабалари, кам таъминланган оилалар фарзандлари таклиф этилди.**

Роман БОНДАРЧУК ЎзА мухбири.



# Фарғонада 52 млн. долларга имзо чекилди

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН САЛОҲИЯТИГА БАҒИШЛАБ ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚАРО БИЗНЕС-ФОРУМДА 20 ТА МАМЛАКАТНИНГ 100 ДАН ОРТИҚ КОМПАНИЯ ВА ФИРМАЛАРИ ИШТИРОКИДА ЖАМИ 52 МЛН. ДОЛЛАРЛИК ШАРТНОМАЛАР ИМЗОЛАНДИ**

**Ўз мухбиримиз**

Бельгия, Германия, Польша, Буюк Британия, Сингапур, Хитой, Япония, Украина ва Россия сингари давлатлар ишбилармонлари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этган тадбирда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг натижаси, мамлакат иқтисодиётининг барқарорлиги ҳамда хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, соҳа вакиллари учун яратиб берилган қулай имкониятлар хусусида атрофлича сўз юритилди. Халқаро бизнес-форумда Франция, Польша, АҚШ, Германия, Индонезия ва Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихоналари вакиллари, савдо масалалари бўйича мутахассислари ҳам иштирок этгани мамлакатимиз, хусусан, водийнинг энг тез ривожланаётган Фарғона вилояти иқтисодиётига сармоялар киритишга қизиқиш юқори эканидан далолатдир.

Айни пайтда географик жиҳатдан қулай ҳудудда жойлашган, 3,3 млн. аҳолиси бўлган вилоятда 112 та қўшма корхона самарали фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари асосида тадбиркорлик учун қулай бизнес муҳити яратилган ҳудудда амалдаги қонунлар ижроси қатъий назорат қилинаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Буни 2013 йилнинг I чорагида вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 104,6 фоизга етгани ҳам кўрсатиб турибди. Маълумотларга қараганда, жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига вилоятда фаолият олиб бораётган 47,8 мингта тадбиркорлик тузилмалари томонидан ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 46,9 фоизи ишлаб чиқарилди.

Ҳисобот даврида чакана савдо айланмаси умумий ҳажмининг 40,5 фоизи ёки 315,2 млрд. сўми, аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг 38,9 фоизи ёки 133 млрд. сўми айнан кичик бизнес ҳиссасига тўғри келди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда эса аграр соҳа мулкдорларининг улуши 98,7 фоизни ташкил этаётир.

Бизнес-форумда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг биринчи ўринбосари А.Камолов сўзга чиқиб, Президентимиз раҳнамолигида иқтисодиётни ислоҳ этиш, айниқса, саноат соҳасини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш, энг муҳими эса хусусий сектор учун қулай бизнес муҳити яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Бунда кенг қамровли Инвестицион дастур ижроси иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, ижтимоий ва инфраструктура лойиҳаларининг амалга оширилиши натижасида аҳолини иш билан таъминлаш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини бераётир.

Бизнес-форумда Фарғона вилоят ҳокими Ш.Ғаниев бундай ўзгаришлар истиқлолнинг дастлабки йилларида тўғри танланган тараққиёт йўли, бутун дунёда эътироф этилаётган «ўзбек модели»нинг ҳосиласи эканини таъкидлаб, вилоятда савдо-иқтисодий ва инвестицион ҳамкорлик борасида яратилган имкониятлар, жумладан, енгил саноат, мева-сабзавотларни қайта ишлаш, замонавий қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, пластик маҳсулотлари, автомобилсозлик учун эҳтиёт қисмлар, чарм-пойабзал маҳсулотлари, электротехника саноатини ривожлантириш ва бошқа тармоқларга устувор аҳамият берилаётганини қайд этди.

Ҳақиқатан ҳам, 2013 йилнинг январь-март ойларида ҳам Фарғонада саноат маҳсулотлари ҳажми 1066,8 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 104,6 фоизни ташкил этган. Бундай ўсиш-ўзгаришлар транспорт соҳасида ҳам яққол кўзга ташланаяпти. Мисол учун, биринчи чоракда барча транспорт воситалари томонидан 30,5 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,4 фоизга кўпдир.

Ш.Ғаниевнинг фикрича, вилоятга 29 та давлат компанияларининг тўғридан-тўғри инвестициялари жалб этилган бўлиб, бунда Буюк Британия, Франция, Хитой, Сингапур, Россия, Кипр, Жанубий Корея, АҚШ, Туркия, Германия, БАА ва бошқа давлатларнинг улуши нисбатан юқоридир.

> **52 МЛН. АҚШ ДОЛЛАРЛИК 43 ТА МЕМОРАНДУМ ВА КЕЛИШУВ БАЁННОМАЛАРИ ИМЗОЛАНГАН БИЗНЕС-ФОРУМ ШУ ТАРИҚА ЎЗ НИҲОЯСИГА ЕТДИ. АММО ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ МУТАСАДДИЛАРИНИНГ ФИКРИЧА, БУ ФОРУМНИНГ РЕАЛ НАТИЖАЛАР САРИ ТАШЛАНГАН БИРИНЧИ ҚАДАМИ, ХОЛОС.**

Бизнес-форумда Польша республикаси иқтисодиёт вазири ўринбосари А.Дыха, Польша республикаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги департаменти ўринбосари И.Митрочук ҳам сўзга чиқиб, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай Ўзбекистонда юқори ўсиш кўрсаткичларига эришилаётгани, иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши таъминланаётганини таъкидладилар.

Бизнес-форум доирасида, шунингдек, вилоятда фаолият кўрсатаётган хорижий компания вакиллари, жумладан, «Indorama Kokand Textile» компанияси раҳбари Дипак Рейна, «UzSangwoo» компанияси раҳбари Ким Сонг Ил ҳам сўзга чиқди.

52 млн. АҚШ долларлик 43 та меморандум ва келишув баённомалари имзоланган бизнес-форум шу тариқа ўз ниҳоясига етди. Аммо Фарғона вилоят ҳокимлиги мутасаддиларининг фикрича, бу форумнинг реал натижалар сари ташланган биринчи қадами, холос. Энг асосийси, имзоланган шартномаларни ҳаётга татбиқ этиш, замонавий технологиялар асосидаги лойиҳаларни амалга оширишдир. Бунинг учун эса Фарғонада барча шарт-шароитлар яратилган.

# МУНОСАБАТ

## Ишончни оқлаш масъулияти

**МАЪЛУМКИ, ҲАР ҚАНДАЙ СИЁСИЙ ПАРТИЯ ИЛГАРИ СУРАЁТГАН ҒОЯНИ ЖАМОАТЧИЛИК ОРАСИДА КЕНГ ОММАЛАШТИРИШ, УНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ МОҲИЯТИНИ ИЗЧИЛ ТАРҒИБ ЭТИШ ҚУЙИ БЎҒИНЛАР ЗИММАСИГА ЖУДА КАТТА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ**

**Қаҳрамон САЙДАЛИЕВ**



Шу маънода ҳам бугунги демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёнлари партияларнинг ҳудудий кенгашлари фаолиятини кучайтириш, депутатлик гуруҳлари ишини эса янада жонлантиришни тақозо этмоқда. Юртбошимизнинг 2010 йил 27 январда парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш — устувор вазифамиздир» номли маърузасида ҳам айнан парламент ва маҳаллий вакиллик органлари — Кенгашлар олдида турган ғоят муҳим вазифа — бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент ҳамда депутатлик назоратини ўрнатишдан иборат экани алоҳида таъкидланган эди.

Хўш, айни пайтда ҳудудий кенгашлар ва депутатлик гуруҳлари ҳамда сиёсий партияларнинг таянч нуқтаси, дея таърифланаётган бошланғич ташкилотлар фаолияти ана шундай талабларга қай даражада жавоб бераяпти?

Экспертларнинг фикрича, «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» асосида яратиб берилган имконият ва ваколатлар, энг аввало, сиёсий партиялар, уларнинг вилоят кенгашлари, хусусан, депутатлик гуруҳлари, ва албатта, бошланғич ташкилотлар фаолиятини ҳам жонлантириш учун кенг йўл очиб берди. Биргина «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги қонуннинг қабул қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда парламент ҳамда сиёсий партияларнинг роли ва масъулиятини оширишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қила бошлади. Натижада жойларда депутатлик назоратининг энг муҳим ва самарали усулларидан бири бўлган назорат-таҳлил фаолияти сезиларли даражада кучайди. Депутатлик гуруҳлари томонидан маҳаллий кенгаш сессиялари кун тартибига олиб чиқилаётган масалалар қамрови кенгайиб, уларда ижро ҳокимияти органларининг ҳисоботларини эшитиш йўлга қўйилди.

Масалан, 2012 йилда O`zLiDePнинг маҳаллий кенгаш депутатлари томонидан 67 та назорат-таҳлил фаолияти ўтказилиб, сессияларга киритилган 249 та масаланинг 61 таси юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Эътибор беринг: 249 та масала депутатлик гуруҳларида обдон таҳлиллардан ўтганидан кейингина вилоят, шаҳар ва туман сессияларига киритилди. Бу, шубҳасиз, яратиб берилган имкониятларнинг ижобий натижасидир. Депутатлик гуруҳлари томонидан айнан ана шу даврда 219 та эшитув ўтказилиб, уларда маҳаллий ижро ҳокимияти раҳбарларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларига доир ҳисоботлари эшитилди.

Шу ўринда партиянинг ўтган йилдаги «Тадбиркорлар мулоқот форуми» лойиҳаси доирасида амалга оширган ишларига ҳам тўхталиш мумкин. Ана шу тадбир орқали O`zLiDeP йил давомида очиқ мулоқотлар ва амалий учрашувлар ташкил этиб, уларга 6670 нафардан зиёд соҳа мутахассислари, экспертлар, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини жалб этди. Энг муҳими, улар томонидан қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан 461 та амалий таклифлар жамланди.

> ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА O`ZLIDEPНИНГ **2197**, ЎЗХДПНИНГ **2570**, «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДПНИНГ **948** ҲАМДА «АДОЛАТ» СДПНИНГ **438** НАФАР ДЕПУТАТИ ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАЁТГАНИНИ ИНОБАТГА ОЛСАК, УЛАРГА БИЛДИРИЛГАН ИШОНЧ ҚАЙ ДАРАЖАДА ЮҚОРИ ЭКАНИНИ ЯҚҚОЛРОҚ ҲИС ЭТАМИЗ.

Бошқа партиялар фаолиятида ҳам ана шундай ўсиш кўрсаткичларини кузатиш мумкин. Масалан, «Миллий тикланиш» ДПнинг маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари йиғилишларида 300 дан ортиқ масала ўрганилгани, давлат ташкилотларига 1000 га яқин депутатлик сўрови юборилгани қайд этилмоқда. Халқ демократик партияси вакиллари томонидан маҳаллий кенгашларга 200 дан зиёд масала киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилган. «Адолат» СДП вакиллари ҳам йил давомида 130 га яқин масалани ўрганиб, сессиялар кун тартибига киритганлар.

Бундай ўзгаришлар, шубҳасиз, сайловчи ва электорат вакиллари эътиборидан четда қолаётгани йўқ. Лекин ана шундай натижаларга қарамай, айрим вилоятларда мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари томонидан ҳудудий дастурлар ижросини бажариш юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатишда сусткашликларга йўл қўйилаётганидан кўз юммаслик керак. Хусусан, маҳаллий кенгаш сессияларига олиб чиқилаётган масалаларни таҳлил этсак, уларда партия электорати манфаати ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларга қонун доирасида амалий кўмак беришдан кўра кўпроқ экология, атроф-муҳит муҳофазаси, жойларда коммунал хизмат сифати билан боғлиқ масалалар қамраб олинаётганини кўриш мумкин.

Мисол учун, 46-Ғалаба сайлов округидан халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгаши депутатлигига сайланган, ЎзХДП аъзоси Зебо Абдуллаеванинг («Ўзбекистон овози» газетаси, 31 январь, 31-сон) таъкидлашича, у депутат сифатида ўз ҳудудидаги Тўқимачилик кўчасидаги ички йўлларни таъмирлаш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларининг боришини назоратга олган.

Халқ депутатлари Наманган вилоят кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи раҳбари Абдурашид Арслонов эса («Миллий тикланиш» газетаси, 13 февраль, 6-сон) партиянинг депутатлик гуруҳи томонидан Чуст туманида жойлашган айрим қишлоқларда ичимлик суви билан боғлиқ масала юзасидан назорат олиб борилганини ёзади.

Халқ депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати, «Адолат» СДП аъзоси Минкес Абдукаликовга эса ўтган йили сайловчилар томонидан Мўйноқ тумани марказида болалар мусиқа мактабини, Қозакдарё ОФЙ ҳудудидаги 14-сонли мактаб спорт залини қайта таъмирлаш ишларида кўмак сўраб мурожаат қилинади. Депутат ўз вақтида депутатлик сўрови билан тегишли ташкилотларга мурожаат қилгач, сайловчилар истаги ижобий ҳал этилади. Ушбу ҳудудда 25-сонли болалар боғчасининг белгиланган муддатда қуриб битказилишида ҳам депутатнинг хизмати катта бўлди («Адолат» газетаси, 22 февраль, 7-сон).

Хўш, бундай мисоллардан қандай хулоса чиқариш мумкин? Энг аввало, бу маҳаллий кенгаш депутатлари билан сайловчи ўртасидаги муносабат охир-оқибат муайян бир масалалар ечимига олиб келаётганини кўрсатади. Бир қарашда депутатлар рисоладагидек фаолият олиб бораётгандек. Аммо масалага чуқурроқ ёндашсак, айрим депутатлар маҳаллий ҳокимликлар, тегишли давлат ташкилотлари ишини такрорлаётгани ёки улар «пиширган ош»га шериклик қилаётгандек туюлмаяптими?

Ваҳоланки, сиёсий партиялар, уларнинг жойлардаги вакиллари, айниқса, депутатлар фаолиятидан кўзда тутилган мақсад муайян ҳудуд, ҳатто мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ўз таъсирини кўрсатиш эмасми?! Ана шундай масалалар кенгашлар ва улар қошидаги депутатлик гуруҳларининг доимий диққат марказида турса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бу борада сўз кетганда Юртбошимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» ҳамда «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таҳлил этиш, назорат қилиш, лозим бўлса, йўл қўйилаётган камчиликларга муносабат билдириш ушбу тузилмалар зиммасидаги бирламчи вазифа экани маълум бўлади.

Шу ўринда Президентимизнинг халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида баён этилган фикр-мулоҳазаларни яна бир бор эсга олайлик.

Унда Оққўрғон, Бўка, Бекобод, Қуйи Чирчиқ сингари туманларнинг вилоят саноатидаги улуши ниҳоятда кам экани қайд этилди. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: Бундай ҳолатдан ана шу туманлардаги маҳаллий кенгаш депутатлари бехабармиди ёки улар ўз партиясининг Сайловолди платформасида белгилаб олинган вазифалар, сайловчиларга берилган ваъдаларни унутганмидилар? Тўғри, саноат, ишлаб чиқариш ва тадбиркорликнинг ривожи хусусида сўз кетганда, энг аввало, тадбиркор ва ишбилармонлар манфаатини ифода этаётган O`zLiDeP зиммасидаги масъулият ёдга тушади.

Шунинг учун ҳам O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидан кейин ўтган кенгайтирилган мажлисида Президентимиз маърузасидан келиб чиқадиган партиявий вазифалар танқидий жиҳатдан кўриб чиқилди ва тегишли хулосалар чиқарилди.

Аммо бугун кўпроқ ана шу ҳудудлардаги маҳаллий кенгаш депутатлари, партия фаоллари қандай хулосалар чиқарганлари барча сиёсий партияларни бирдек ўйлантириши лозимлигини тезкор давр, сайловчи талаби тақозо этаётганини бир дақиқа бўлса-да унутмаслигимиз лозим.

Зеро, ҳар қандай сиёсий куч сайловдан сайловгача бўлган масъулиятли жараёнда сайловчи ишончини мустаҳкамлаш, ўз мақсад ва вазифалари ижросини таъминлаш учун бор имкониятлардан фойдаланишга интилади. Бу эса келгуси сайловлар муваффақиятига мустаҳкам замин яратади.

Ҳудудлардаги электоратнинг ҳаётий муаммоларини ўрганиш ва уларни юқори партия ташкилотларига етказиш ҳам кенгашлар олдидаги асосий вазифа саналади. Агар улар «сен менга тегма, мен сенга тегмайман» қабилида иш тутсалар, депутатликни масъулият эмас, лавозим деб ҳисобласалар, бундан нафақат сиёсий партия, балки унга ишонч билдирган сайловчилар ҳам ютқазадилар. Айни пайтда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида O`zLiDePнинг 2197, ЎзХДПнинг 2570, «Миллий тикланиш» ДПнинг 948 ҳамда «Адолат» СДПнинг 438 нафар депутати фаолият олиб бораётганини инобатга олсак, уларга билдирилган ишонч қай даражада юқори эканини яққолроқ ҳис этамиз.

## Тўртинчи ҳокимиятга бирламчи эътибор

**ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛ БОСМА ОАВ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН «ЖУРНАЛИСТ МАСЪУЛИЯТИ ВА УНИНГ КАСБИЙ ЭТИКАСИНИ ОШИРИШ» МАВЗУИДАГИ ДАВРА СУҲБАТИДА АСОСИЙ ЭЪТИБОР СОҲА ВАКИЛЛАРИНИНГ АХЛОҚ-ОДОБ МЕЪЁРЛАРИГА ҚАЙ ДАРАЖАДА АМАЛ ҚИЛАЁТГАНЛАРИ МАСАЛАСИГА ҚАРАТИЛДИ**

**Шухрат ХЎЖАЕВ,**
«XXI asr»

БМТ, ЮНЕСКО ҳамда Жаҳон банкининг мамлакатимиздаги ваколатхоналари вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, республика марказий нашрларида фаолият кўрсатувчи ижодкорлар, шунингдек, Фарғона ва Самарқанд вилоятларидаги ёш қаламкашлар иштирок этган тадбирда Ўзбекистонда ва бошқа давлатларда журналистлар учун яратилган шароитлар, улар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳуқуқий меъёрлар, шунингдек, ахлоқий тартиб-қоидалар ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

— Маълумки, истиқлол йиллари мамлакатимиз ОАВ фаолиятини такомиллаштиришга доир ўндан ортиқ қонун, шунингдек, 40 дан зиёд ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Бу эса, ўз навбатида, юртимиздаги ОАВлар учун қулай имконият ва имтиёзлар яратди, — деди Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Абдулазиз Абдуллаев. — Айни пайтда соҳани янада ривожлантириш мақсадида ижтимоий аҳамиятга эга, хусусан, электрон ОАВга доир лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга ошириш, журналистларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек, журналист кадрлар тайёрлаш бўйича 2012-2018 йилларга мўлжалланган жами учта дастур ишлаб чиқилаётганини таъкидлаш зарур. Ишончим комилки, ана шу ҳужжатлар ҳам соҳа вакиллари учун янада кенг имкониятлар яратиб беради.

Давра суҳбатида, шунингдек, журналист қонун асосида унга берилган ҳуқуқлар баробарида зиммасига жуда катта масъулият юклатилганини ҳам ҳис этиши кераклиги, ўз навбатида, фаол фуқаролик позицияга эга бўлиши, дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар тўғрисида объектив ва ишончли маълумотлар бериб бориши зарурлиги ҳам таъкидланди. Шу билан бирга жойларда ислоҳотларнинг амалга оширилишига ҳалақит бераётган камчилик ва нуқсонларни аниқлаб, уларга профессионал тарзда муносабат билдириши ҳар бир журналистнинг бурчи экани тилга олинди.

— Президентимизнинг бундан бир неча йил аввал Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригида эътироф этилганидек, ҳаётимизда ахборот эркинлигини таъминлаш, давлат ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда ОАВ ролини кучайтириш, уларни одамларнинг ўз фикр ва ғоялари, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантириш бугунги куннинг энг долзарб вазифаси бўлиб қолмоқда, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Нуриддин Муродов. — Мамлакатимизда ОАВ соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсатининг қонунлар ёрдамида мустаҳкамланиши уни янада либераллаштириш, том маънода тўртинчи ҳокимиятга айлантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратишга хизмат қилмоқда. Бироқ шуни ҳам унутмаслик лозимки, бугунги глобаллашув шароитида ҳар қандай давлатнинг салоҳияти унинг нечоғлик ахборотга эгалиги, ахборот тизимининг қай даражада йўлга қўйилгани билан белгиланмоқда. Айни шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ОАВни янада ривожлантиришда журналистнинг бурчи ва масъулияти, касб одоби ва этикасининг ҳам бу борада алоҳида ўрни бор, деган хулосага келиш мумкин.

Шунинг учун ҳам тадбир иштирокчилари Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилда қабул қилинган «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасида журналистларнинг 20 га яқин ҳуқуқлари, ана шу ҳужжатнинг 6-моддасида уларнинг мажбуриятлари, 7-моддада эса журналистика соҳасининг сири сифатида қатор нормалар белгилаб қўйилгани, ана шу учта меъёрга бир маромда амал қилиш журналистика соҳаси этикасини ўзида намоён этувчи мезонлардан бири сифатида намоён бўлаётганини эътироф этдилар.

Интерфаол услублардан фойдаланилган ҳолда ташкил этилган тадбир якунида вилоятлардан келган умидли ижодкорлар ўзларини қизиқтирган саволларга чет эллик ва маҳаллий мутахассислардан батафсил жавоб олиш имкониятига эга бўлдилар.

## O`zLiDeP Матбуот хизмати хабар қилади

**СУРХОНДАРЁ. O`zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази томонидан «Партия қурилиши йўналишидаги навбатдаги долзарб вазифалар» мавзуида амалий семинар ўтказилди.**

**Тадбирда эришилган ютуқ ва камчиликлар таҳлил қилинар экан, партия тузилмалари фаолиятини бугунги кун талаблари асосида босқичма-босқич такомиллаштириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда уларнинг иштирокини янада кенгайтириш лозимлиги таъкидланди.**

**Қайд этилганидек, муҳим партиявий дастурларни ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини таъминлашда Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» алоҳида аҳамият касб этиши шубҳасиздир.**

**Йиғилишда, шунингдек, партиянинг аёллар ва ёшларга оид сиёсатини амалга ошириш, жойларда гоявий-тарбиявий ишларни кучайтириш, эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришда ибратли ташаббус ва интилишларини қўллаб-қувватлаш юзасидан муҳим фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.**

**САМАРКАНД. «Миллий парламентаризмни ривожлантириш — ёшлар нигоҳида» O`zLiDeP Жомбой туман кенгаши ташаббуси билан ўтказилган навбатдаги давра суҳбати ана шу мавзуга бағишланди.**

**Унда туман партия кенгаши масъул ходимлари, «Ёшлар қаноти» гуруҳи фаоллари, Фермерлар кенгаши мутасаддилари ҳамда талабалар иштирок этишди.**

**Тадбирда сўзга чикканлар давлат бошкарувини янада демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, жойларда сайлов ҳукуки эркинлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, иктисодиётни либераллаштириш каби масалалар хусусида фикр юритиб, улар O`zLiDePнинг мафкуравий ғоя ва мақсадлари билан муштарак эканлигини таъкидладилар.**

**Тадбирда партиянинг «Ёшлар каноти» томонидан олиб борилаётган ишлар, айнан ёшлар манфаатларига хизмат қиладиган «Парламентда менинг ўрним» лойиҳаси ҳамда мазкур лойиҳа доирасида ўтказиладиган «Агар мен депутат бўлсам...» республика кўрик-танлови натижалари ҳақида ҳам атрофлича маълумот берилди.**

**ТОШКЕНТ. O`zLiDeP Миробод туман кенгаши ҳамда туман Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида «Қатъий ҳаётий қарашлар: ўз позициясига эга бўлган инсонни тўғри йўлдан қайтариб бўлмас» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.**

**Тадбирда халк депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутатлари, туман хотин-қизлар қўмитаси, соғлиқни сақлаш ва таълим муассасалари ходимлари, партия фаоллари, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.**

**Давра суҳбатида сўзга чиққан халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати Р.Фозилов мамлакатимизда демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини барпо этишда миллий мафкура ва кадриятларнинг аҳамияти хусусида сўз юритар экан, бу борада Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асари асосий дастуриламал бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида эътироф этди.**

**— Хотин-қизлар ва ёшларни диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, турли ёт ғоялар ҳамда ахборот хуружларидан ишончли ҳимоя қилиш, уларни миллий урф-одат ва анъаналар, халкимизга хос бўлган мукаддас кадриятлар руҳида камол топтириш биринчи галдаги бурчимиз бўлиши лозим, — деди ўз сўзида O`zLiDeP Миробод туман кенгаши раиси ўринбосари Г.Турсунова.**

**Тадбирда, шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар пировард натижада инсон ва унинг ҳаётий манфаатларига, демократияга асосланган эркин фукаролик жамиятини барпо этишга каратилганлиги таъкидланиб, бу борада O`zLiDeP ва унинг жойлардаги қуйи бўғинлари олдида турган муҳим вазифалар хусусида атрофлича фикр юритилди.**

Сармишсой садосига дунё аҳли қулоқ тутди. **8-саҳифада ўқинг!**

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА



### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

«ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» ОАЖ МИС БОЙИТИШ ФАБРИКАСИ ҚОШИДАГИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТДА «ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ДАВЛАТ ТУЗИЛМАЛАРИ ҲАМДА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ: МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ» МАВЗУИДА ОЧИҚ МУЛОҚОТ УЮШТИРИЛДИ.
УНДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ, БАНКЛАРДАН КРЕДИТ ОЛИШ ТАРТИБ-ТАМОЙИЛЛАРИ, ШУНИНГДЕК, ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШ, ЖОЙЛАРДА ХИЗМАТ СИФАТИ ВА МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ, МАВЖУД БИНО ВА ИНШООТЛАРНИ ИЖАРАГА ОЛИШ, КОРХОНАЛАРНИ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ ЮЗАСИДАН АТРОФЛИЧА ФИКР ЮРИТИЛДИ.



### ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

ОММАВИЙ МАДАНИЯТ ҲАҚИДА БУГУН НИМАЛАРНИ БИЛАМИЗ? УНИНГ САЛБИЙ ТАЪСИРИДАН ҚАНДАЙ ҲИМОЯЛАНИШ МУМКИН? ФАРҒОНА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ҚОШИДАГИ БПТ САЪЙ-ҲАРАКАТИ БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН «ОММАВИЙ МАДАНИЯТНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ» МАВЗУИДАГИ ДАВРА СУҲБАТИ ДАВОМИДА АНА ШУНДАЙ САВОЛЛАРГА ЖАВОБ ИЗЛАНДИ.
ТАДБИРДА ЁШЛАРНИ ТУРЛИ ДИНИЙ ОҚИМЛАР ТАЪСИРИДАН АСРАШ, БУНИНГ УЧУН ЖОЙЛАРДА ҒОЯВИЙ-ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ, ПАРТИЯ ЭЛЕКТОРАТИ МАНФААТЛАРИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЮЗАСИДАН ТУРЛИ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР ЎРТАГА ТАШЛАНДИ.

2013 ЙИЛ 9 МАЙ, ПАЙШАНБА, 18 (494)-СОН

web sayt: www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

# Амалий ишлар сарҳисоби

АЙНИ ПАЙТДА БУХОРО ВИЛОЯТИДА O`ZLIDEPНИНГ 420 ТА ҚУЙИ БЎҒИНИ БЎЛИБ, УЛАР ЎЗ АТРОФИГА 9213 НАФАР АЪЗОНИ БИРЛАШТИРГАН ҲОЛДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРМОҚДА

**Асхор ИСТАМОВ,**
«XXI asr»

— Таъкидлаш жоизки, ҳозирги туб ислоҳотлар жараёнида сиёсий фаоллик ҳаммамиз ва ҳар биримиз учун алоҳида аҳамиятга эгадир. Жойларда ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишлари мобайнида ҳам асосий эътибор партия Дастурида белгилаб олинган вазифалар ижроси, 2012 йилнинг март ойидан 2013 йилнинг айни давригача бўлган даврда ғоявий-сиёсий ишларни йўлга қўйиш борасида эришилган натижаларни кенг ва атрофлича таҳлил этишга қаратилди, — дейди O`zLiDeP вилоят кенгашининг ташкилий-партиявий бўлими мудири Мавжуда Рашидова. — Шак-шубҳасиз, бу муҳим жараёнда очиқлик ва ошкоралик тамойилларига амал қилинди. Ҳисобот-сайлов йиғилишларида маҳаллий ҳокимлик идоралари масъул ходимлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари аъзолари, O`zLiDeP вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари мутасаддилари, жамоат ташкилотлари вакиллари фаол иштирок этиб, муҳокама этилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Шунингдек, йиғилишлар давомида кичик бизнес субъектлари, фермерлар, ишбилармонлар манфаатини ишончли ҳимоя қилиш, партиянинг дастурий ғоя ва мақсадларини рўёбга чиқариш, бошланғич ташкилотларнинг сиёсий фаоллигини ошириш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинганлигини таъкидлаш лозим.

Маълумки, сиёсий партияларнинг жамиятдаги обрў-эътибори уларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси, аҳоли ўртасидаги нуфузи ва салоҳияти, давлат ҳамда ҳокимият бошқарувидаги иштироки билан белгиланади. Танқидий руҳда ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишлари давомида билдирилган фикр-мулоҳазалар, ўртага ташланган амалий таклифлар муҳим ва ҳаётийлиги билан айниқса эътиборга моликдир. 7666 нафар партия аъзоси иштирок этган тадбирларда 420 та бошланғич ташкилотнинг 79 тасига янги раис сайланди. Бу ҳам бўлса, O`zLiDeP томонидан кадрлар танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришга тобора катта аҳамият қаратилаётганидан далолат беради.

Бухоро халқаро аэропорти, вилоят марказидаги «Саломатлик маскани» шифохонаси, шунингдек, шаҳар тиббиёт бирлашмаси, Бухоро туманидаги «Гала-Ривер» қўшма корхонаси, «Робитиқалмоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини, Вобкент туманидаги «Сарипул» ҳиссадорлик жамияти, Жондор туманидаги «Баркамол авлод» маркази, Чибоғони МФЙ, Ромитан туманидаги «Ромитан» ҚФЙ, туман давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, Шофиркон туманидаги пахта тозалаш заводи ҳиссадорлик жамияти, Тезгузар ҚФЙ, Ғиждувон туманидаги «Ғиждувон Машҳураси» хусусий фирмаси ҳузуридаги Когон шаҳар темирйўл шифохонаси қошидаги БПТларда ҳисобот-сайлов йиғилишлари сиёсий ва ишчанлик руҳида ўтганини, қишлоқ мулкдорлари, фермерлар, тадбиркор ва ҳунармандлар ҳисобидан O`zLiDeP сафларини янада кенгайтириш имконини берганини алоҳида таъкидлаш жоиз.



**O`ZLIDEP УСТАВИДАН**

ПАРТИЯ АҲОЛИ ЎРТАСИДА КАТТА ҲУРМАТ ВА ОБРЎГА ЭГА БЎЛГАН ТУРЛИ ИЖТИМОИЙ ГУРУҲ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН АЛОҚА ЎРНАТАДИ, УЛАР БИЛАН ДОИМИЙ УЧРАШУВЛАР УЮШТИРИБ, ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН МУАММОЛАРНИ ЎРГАНАДИ ВА ПАРТИЯ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШГА КЎМАКЛАШАДИ, ПАРТИЯ ҚАРОРЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИДА УЛАРГА ТАЯНАДИ.

Йиғилишларда, шунингдек, партия Дастури ва Сайловолди платформасида кўзда тутилган муҳим вазифалар ижросини таъминлаш, жумладан, ёшлар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, партия аъзоларининг сиёсий онги ва ғоявий дунёқарашини бойитиш, малакали кадрлар захирасини шакллантириш, партия сафларини сифат жиҳатдан мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалаларга ҳам алоҳида урғу берилди. «Обод турмуш йили» Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, партиянинг 2013 йилги Ҳаракат дастурини тўла амалга ошириш борасида ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари зиммасига алоҳида масъулият юклатилгани таъкидланди. Қуйи бўғин етакчиларидан 338 нафарига қайта ишонч билдирилиб, уларнинг иш тажрибасини оммалаштиришга қарор қилингани эса Бухорода бу борада ўзига хос тажриба яратилганини ҳам кўрсатади. Партия аъзолари 30 нафардан ортиқ бўлган 56 та бошланғич ташкилотда кенгашлар тузилгани эса галдаги устувор вазифалар ижросини таъминлаш, O`zLiDePнинг сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш, жамоатчилик билан ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этиши шак-шубҳасиздир. Бошланғич партия ташкилотларида ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишлари ана шу маънода бухоролик маслакдошлар учун жиддий синов бўлди, десак асло муболаға бўлмайди.

## ХАБАРЛАР

### ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**O'zLiDeP Навоий вилоят кенгашида «Партия қурилиши йўналишидаги навбатдаги долзарб вазифалар» мавзуидаги амалий семинарнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**
**Унда вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашлари раислари, бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш бўйича консультантлар иштирок этди.**
**Семинарда O'zLiDePнинг сиёсий майдондаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, унинг бу борадаги етакчилик ролини ошириш учун қуйи бўғин ҳамда партия депутатлик гуруҳлари фаолиятини тубдан яхшилаш, тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини янада ошириш, электорат сафини кенгайтириш учун бутун куч ва имкониятларни ишга солиш, партиянинг Сайловолди платформасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда сайловчилар манфаатларини ҳимоя этиш долзарб масалалар экани алоҳида таъкидланди.**
**Ўзаро савол-жавоб тарзида ўтган тадбир якунида ҳудудий партия ташкилотлари фаолиятини янада кучайтиришга оид тавсиялар берилди.**

Мансур АСЛОНОВ.

### ҒОЛИБ — «O`ZLIDEP ЁШЛАРИ»



**O`zLiDeP Поп туман кенгаши «Ёшлар қаноти» бўлими ташаббуси билан «Камолот» ЁИҲ туман кенгаши ҳамкорлигида 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб Келачи қишлоғида ёшлар ўртасида футбол мусобақаси ўтказилди.**
**— «Обод турмуш йили» Давлат дастурида жисмоний ва маънавий соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш каби масалаларга алоҳида аҳамият қаратилган, — дейди партия туман кенгашининг ёшлар масалалари бўйича раис ўринбосари, халқ депутатлари туман кенгаши депутати Музаффар Умрзоқов. — Биз ҳам режамизга асосан ёшлар ўртасида спортни оммалаштириш, партиямиз илгари сураётган ғоя ва мақсадларни улар ўртасида кенг тарғиб этишга ҳаракат қилаяпмиз. Бугунги мусобақамиз ҳам иқтидорли ва салоҳиятли ёшларни сафларимизга жалб этишга хизмат қилади, деб ўйлайман.**
**Қизғин курашлар остида ўтган мусобақада 18 жамоа ўртасида мутлақ ғолибликни «O`zLiDeP ёшлари» футбол жамоаси эгаллади. Уларга O`zLiDeP туман кенгаши ва «Камолот» ЁИҲ туман кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.**

Ахроржон МУСУРМОНОВ.



### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

**Тахиатош шаҳридаги «Иссиқлик маркази»даги бошланғич ташкилотда «Миллий ўзликни англаш ва ёшларни огоҳликка даъват этиш», шунингдек, «Баркамол авлодни шакллантиришда ўрта махсус таълимнинг аҳамияти ва зарурати» каби мавзуларга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобида баён этилган фикр-мулоҳазалар ва ўртага қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, ёшларни миллий анъаналар руҳида тарбиялаш, уларда соғлом онг ва тафаккурни шакллантириш, бу борада БПТлар билан маҳаллалар ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш лозимлиги алоҳида таъкидланди.**

# Мулкдор аёллар шижоати

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА ҲАМ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИГА, ҲАМ БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШНИНГ УДДАСИДАН ЧИҚАЁТГАН ТАДБИРКОР ХОТИН-ҚИЗЛАР КЎПЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ

**Шуҳрат РАҲИМОВ,**
«XXI asr»

Пахтакор туманидаги 41 та бошланғич партия ташкилотига уюшган 524 нафар O`zLiDeP аъзоси орасида тадбиркор ва фермер аёллар кўпчиликни ташкил этмоқда.

Партия дастурий вазифаларини амалга ошириш, аҳоли ўртасида таргибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, қуйи бўғинларнинг ғоявий уюшқоқлигини таъминлаш, тарафдорлар сафини кенгайтиришда ҳам улар барча имкониятлардан фойдаланмоқдалар. Хусусан, жойларда ташкил этилаётган амалий семинар, учрашув ва анжуманларда кенг жамоатчиликнинг иштироки таъминланиб, БПТлар ташаббуси қўллаб-қувватланаётир. Бу жараёнда электорат вакилларининг сиёсий фаоллиги яққол кўзга ташланиб, айниқса, тадбиркор аёллар ўзининг ташаббускорлигини намоён этиб келмоқда.

Пахтакор туманидаги «Оқбулоқ» ҚФЙ қошида бошланғич партия ташкилоти тузилган бўлиб, 11 нафар аъзо тимсолида электорат вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаяпти. БПТ раиси, «Муҳаббат бахт» фермер хўжалиги раҳбари Муҳаббат Ўралова яратилган имкониятлардан фойдаланиб, 2007 йилда фермерликка қўл урган тадбиркор аёллардан биридир. Мазкур фермер хўжалиги бугунги кунда пахта ва ғалла етиштиришда намуна кўрсатмоқда. Мана, олти йилдирки, М.Ўралова ҳам мулкдор, ҳам бошлангич партия ташкилоти етакчиси сифатида туманнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашиб келаяпти. Шу кунларда ҳам фермер хўжалигида иш қизғин. 23 гектар майдонга экилган галла минерал ўғит билан озиқлантирилиб, биринчи суғориш ишлари якунланди.

Сиёсий партияларнинг халқ орасидаги мавқеи жойларда олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари билан чамбарчас боғлиқ экани ҳеч кимга сир эмас. Мазкур жараёнларда БПТ фаолияти айниқса муҳим аҳамият касб этади. Буни биз «Олтинкўл» МФЙ қошида ташкил этилган бошлангич партия ташкилоти мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ташкилот ўз атрофига 10 нафар аъзони жипслаштирган. БПТ раиси, халқ депутатлари туман кенгаши депутати, «Эҳсон» фермер хўжалиги раҳбари Назира Мамарахимова пахта ва ғалла етиштиришда ҳам бошқаларга ўрнак бўлмоқда.

Кези келганда, Пахтакор туманидаги БПТлар фаолиятида электорат билан алоқаларни мустаҳкамлаш орқали Ҳаракат дастуридан ўрин олган вазифалар, шунингдек, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган устувор йўналишлар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш жоиз. Жумладан, қуйи бўғин фаоллари аҳоли орасида либерал-демократик ғояларни кенг ёйиш баробарида қонунчилигимиздаги янгиликлар, электорат учун яратилаётган қўшимча имтиёзларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш биринчи даражали ишлар сирасига киради. Масалан, йил бошидан буён ўтказилган тадбирларда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг устувор йўналишларига бағишланган йиғилишидаги Президентимиз маърузаси кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда чуқур ўрганилмоқда. Бундан ташқари, «Фуқаролик жамиятида O`zLiDePнинг устувор вазифалари», «Миллий ўзликни англаш ва ёшларни огоҳликка даъват этиш», «Баркамол авлод шаклланишида ўрта махсус таълимнинг аҳамияти ва зарурати», «Тадбиркор ва фермерларни қўллаб-қувватлаш — иқтисодий ривожланиш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялаш омили», «Оилавий бизнесни ривожлантириш: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари», «Либерализм ғояси: хорижий ва миллий тажриба», «Обод турмуш йили»да O`zLiDePнинг устувор вазифалари ва унда БПТларнинг ўрни ва роли» каби мавзулардаги давра суҳбати, очиқ мулоқот ва учрашувларда минглаб электорат вакилларининг иштироки таъминланди. Бу эса Ҳаракат дастурида қайд этилган масалалар моҳиятини чуқурроқ англаш имконини бераяпти.



Шу ўринда Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони соҳа фаолиятини бутунлай янги босқичга кўтариш имкон берганини таъкидлаш жоиз. Мазкур ҳужжатда белгиланган вазифалар эса фермерларнинг иқтисодий-ҳуқуқий билимларини янада ошириш масаласини ҳам кун тартибига қўйдики, бу барча мутасадди ташкилотлар қатори фермерларни асосий электорати ҳисоблаётган O`zLiDePнинг ҳам бу борадаги ишларни янада кучайтиришини тақозо эта бошлади. Шундай экан, партия келажаги учун малакали кадрлар тайёрлаш, уларнинг билим ва савиясини ошириб бориш биринчи даражали вазифамизга айланиши лозим.

# ҚУТЛОВ



## БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

**Уруш ва меҳнат фахрийлари,
азиз отахон-онахонларимиз,
бутун Ўзбекистон халқини
9 май — Хотира ва қадрлаш
куни билан муборакбод этади.
Аждодлар хотирасини ёд этиб,
ҳар бир хонадонга бахт-саодат,
сиҳат-саломатлик ва фаровонлик тилайди.
Мустақил Ўзбекистонимиз
осмони ҳамиша беғубор
ва мусаффо бўлсин!**

**9 Май**



# ҚУТЛОВ


«НАВОИЙ ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ» ОАЖ ЖАМОАСИ
мўътабар онахон ва отахонларимиз, барча-барча юртдошларимизни 9 май — Хотира ва қадрлаш куни билан қутлайди.
Ўзаро меҳр-оқибат, келажакка ишонч ва яратувчанлик шижоати сизларни асло тарк этмасин!
Аждодларимиз ёди абадий бўлсин!
O'ZBEKENERGO
DAVLAT AKSIYADORLIK KOMPANIYASI
NAVOIY IES
478 MVt·BUG'GAZ QURILMASI

# Сармишсой садосига дунё аҳли қулоқ тутди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Мансур АСЛОНОВ,**
«XXI ASR»



Қарийб 20 йилдан буён Сармишсой қоятошлари устида илмий изланишлар олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Археология институти профессори Муҳиддин Хўжаназаровнинг таъкидлашича, кейинги ўн-ўн беш йилда бу ерда жуда катта кўламдаги ишлар амалга оширилди. Хусусан, ўтган давр мобайнида ЮНЕСКО ҳузуридаги Марказий Осиё Халқаро тадқиқотлар институти, Археология институтининг Сармишсой қоятош суратларини ўрганиш гуруҳи ва Навоий кон-металлургия комбинати ҳамкорлигида «Сармишсой маданий меросини ўрганиш, асрашга оид янгича ёндашув» мавзуида 4 та илмий-амалий конференция ўтказилиб, дарадаги 10 мингдан ортиқ суратлар рўйхатга олинди. Бутунжаҳон Қоятош расмларини ўрганиш ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон-Польша халқаро экспедицияси томонидан олиб борилган илмий изланиш натижасида Сармишсой дарасидаги қоятош суратлар 6-7 минг йиллик ва ундан ҳам ортиқ тарихга эга, деган хулосага келинди.

4 май куни эрта тонгданоқ Карманадан Сармишсой дарасигача бўлган 35 километрлик янгидан таъмирланган текис ва равон йўл автоуловлар карвони билан тўлди. Юртимизда ишлаб чиқарилган «Isuzu» автобуслари ҳамда Асака заводининг турли русумдаги енгил автоуловларида республикамизнинг барча вилоятларидан фестивалда қатнашиш, ундан маънавий озиқ олиш учун йўлга чиққан юртдошларимизнинг кўнгли чоғ, кайфияти юқори. Байрамона руҳда, ўзига хос, миллий маданиятимизга мос безатилган сайлгоҳ иштирокчи ва меҳмонларни карнай-сурнай садолари остида қарши олди.

Халқ сайлида меҳмонлар рангтасвир, кулолчилик, ёғоч ва ганж ўймакорлиги, каштачилик, тикувчилик, тўқувчилик ҳамда бошқа ўнлаб турдаги халқ амалий санъати ярмаркаси павильонларида ўз ишининг билимдони бўлган уста ва устазодалар ижодидан баҳраманд бўлишди. Кун бўйи ўтказилган миллий кураш, хўроз ва қўчқор уриштириш ўйинлари томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Бухоро, Қашқадарё ва фарғоналик полвонлар ижросидаги тош кўтариш ва дор ўйинлари ҳам ёшу қарини бефарқ қолдирмади.

— Фестивалга жуда зўр ғоя танланган, — дейди франциялик сайёҳ Даниел Костоманя. — Мени, айниқса, бу ерда бутун ўзбек маданияти, санъати, спорти ва ошпазлик маҳорати намуналари билан бир кунда, бир жойнинг ўзида танишиш имкони яратилгани, халқингизнинг меҳмондўстлиги ҳайратга солди. Фестивалда иштирок этиш бахтига муяссар бўлганлигимдан хурсандман.

— Ўзим ганж ва сополдан турли уй-рўзғор буюмлари ва ўйинчоқлар ясайман. Турмуш ўртоғим эса қизлар билан мунчоқли макраме тўқийди. Биргаликда оилавий тадбиркорлик билан шуғулланамиз, — дейди самарқандлик ҳунарманд Мурод Эшонов. — Фестивалда бадиий ижод намуналари савдоси ташкил этилгани оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга, уни ривожлантиришга ҳам хизмат қилади, деб ўйлайман.

Фестивалнинг иккинчи куни — 5 май. Байрам тантаналарига халқимизнинг энг севимли томошаларидан бўлган кўпкари-улоқ ҳамда пойга мусобақалари қўшилди. Сармишсой дарасига туташ сайҳонликка йиғилган минг-минглаб ишқибозларнинг олқишу қийқириқлари остида майдонга тушган 500 нафарга яқин чавандоз ғолиблик учун ўзаро куч синашди.

Фестиваль дастуридан ўрин олган, барча интиқлик билан кутган миллий либослар намойиши ҳам ниҳоятда кўтаринкилик билан ўтди. Кўргазма ташкилотчиларидан бири, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти проректори Холида Комилованинг таъкидлашича, иштирокчилар эътиборини айниқса Нурота каштачилиги намуналаридан фойдаланган ҳолда маҳаллий дизайнерлар томонидан яратилган кийимлар ҳамда «Сармишсой петроглифлари» мавзуи бўйича ишлаб чиқилган либослар тўплами жалб қилди. Анъанага кўра, фестиваль доирасида Британиянинг «Christie's» аукцион уйи кўмагида «Meros» Ўзбекистон антикварлари уюшмаси томонидан ташкил этилган кимошди савдоси ҳам байрам тадбирларига файз бахш этди.

Хуллас, икки кун давомида меҳмонлар нафақат ўзбек миллий ҳунармандчилиги намуналари, бой маънавий мероси, осори-атиқалари билан танишиш, балки бадиий ва фольклор жамоаларининг ўлмас қадрият, урф-одат, удум ва анъаналаримизни ўзида акс эттирган чиқишларидан баҳраманд бўлиш имкониятига эга бўлдилар. Фестивалда 20 га яқин хорижий давлатдан келган юзлаб журналистларнинг иштирок этгани эса унинг нуфузи ва қамрови йил сайин ошиб бораётгани, қолаверса, мустақил Ўзбекистонимизда қўлга киритилаётган оламшумул ютуқларга хорижда қизиқиш катта бўлаётганининг исботидир.

Фестиваль дастуридан ўрин олган сўнгги тадбир — вилоятлардан ташриф буюрган фольклор-этнографик жамоалари, чет эллик меҳмонлар, пойтахтлик машҳур хонанда ва эстрада юлдузлари иштирокидаги гала-концерт давомида ўтказилган кўргазма, экспозиция, танлов ҳамда беллашув ғолибларига «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг диплом, сертификат ва эсдалик совғалари топширилди.

РЕКЛАМА




Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти жамоаси газета мухбири Носир Тошевга онаси **КОМИЛА АЯ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ҚУТЛОВ




РЕКЛАМА







XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ, Абдурашид ЖЎРАБОЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баҳодир ГАНИЕВ, Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илҳом НАСРИЕВ, Мухлиса АКРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шуҳрат НОРГИТОВ, Шуҳрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ.
ТАҲРИРИЯТ: Озод РАЖАБОВ, Маркс ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳзод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Муҳаббат РАВШАНОВА, Темур АБДУРАҲМОНОВ, Носир ТОШЕВ, Ориф ЎЛМАСОВ, Янгибой ҚЎЧҚОРОВ.
БОШ МУҲАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ.
БЎЛИМЛАР: Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: J 7082. Тираж: 22068
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди — 20:00

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X

Навбатчилар
Қ.САЙДАЛИЕВ, Ш.РАҲИМОВ.